



**МУРАББИЙЛАР КОММУНИКАТИВ ҚОБИЛИЯТИНИ МИЛЛИЙ ВА
УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШ**

Аллаёров Музаффар Мингалиевич.

Ахборот технологиялари ва менежмент университети.

Эл.адрес; музаффараллаёров4@gmail.com

Тел: +998976728202

Аннотатсия: *Шарқ мутафаккирлари, фан ва маданият намояндalари - нинг илмий-маънавий мероси мутахассисларда миллий маданиятни қадрият-лар асосида шакллантириш жараёнининг (айниқса, коммуникатив маданият доирасида) ажралмас қисми ҳисобланади. Бу ўринда таълим-тарбия бериш, маданиятга ошно қилишининг замонавий йўналишларига ҳамоҳанг гояларни ажратилиш мутафаккирлар илгари сурган гоя ва қарашларнинг талабалар томонидан қадрият даражасида ўзлаштирилишига эришиш мақсадга мувофиқ.*

Калит сўзлар: *Ижтимоий онг, Ижтимоий дунёқараш, Ижтимоий ахлоқ, Ижтимоий компетентлик, Лойиҳавий таълим, самарали метод, объектив, субъектив, коммуникатив қобилият, миллий истиқлол мафқураси, маданий мерос, Замонавий педагогика.*

Аннотация: *Научное и духовное наследие восточных мыслителей, представителей науки и культуры является неотъемлемой частью процесса формирования национальной культуры, основанной на ценностях (особенно в рамках коммуникативной культуры). В этом месте уместно разделить гармоничные идеи на современные направления образования и приобщения к культуре и добиться усвоения учащимися идей и взглядов, выдвигаемых мыслителями.*

Ключевые слова: *Социальное сознание, Социальное мировоззрение, Социальная этика, Социальная компетентность, Проектное образование, эффективный метод, объективность, субъективность, коммуникативные способности, идеология национальной независимости, культурное наследие, Современная педагогика.*

Annotation: *The scientific and spiritual heritage of Eastern thinkers, representatives of science and culture is an integral part of the process of formation of national culture based on values. In this place, it is appropriate to separate harmonious ideas into the modern directions of education and familiarization with culture, and to achieve the students' assimilation of the ideas and views advanced by thinkers.*

Keywords: *Social consciousness, Social outlook, Social ethics, Social competence, Project education, effective method, objective, subjective, communicative ability, national independence ideology, cultural heritage, Modern pedagogy.*



Бўлажак спорт мураббийларини коммуникатив қобилиятини ривожлантиришда бир неча тушунчалар устувор саналиб, улар қуйидагича изоҳланади:

1. Ижтимоий онг - фақат инсонга хос бўлиб, объектив олам ва ижти- мой борлиқнинг кишилар онгида акс эттирилишидир. Онг – одамнинг фикрлаш маркази. Унда ғоя, фикр ва маълумотлар жойланади ҳамда ижтимоий онгни шакллантириш пойдевори қўйилади.

2. Ижтимоий дунёқараш - бу тушунча замирида табиат, олам ва одам ҳақидаги “яҳлит умумлаштирилган билимлар”, маълумотлар ва фикрлар мужассамланади. Ижтимоий дунёқарашнинг шаклланиши, ривожланиши ва такомиллашишида ғоя муҳим ўрин тутди. Ўз навбатида, ғоянинг ҳам бир неча тури мавжуд бўлиб, бугун жамиятимизда унинг Бунёдкор ва Вайронкор шакллари идрок этилган. Талабаларнинг ижтимоий дунёқарашини идеал ва реал мақсад-муддаоларни ўзида мужассам этган миллий ғоя асосида шакллантирилади.

3. Ижтимоий ахлоқ - тушунчаси ўзида шахснинг табиат, олам ва одамга бўлган муносабатлари, хатти-ҳаракатлари ва одоблари мажмуини акс эттиради. Ижтимоий ахлоқ инсоннинг ўз ҳаёти, жамият ва келажак авлод олдидаги меъёрий қонуниятлар йиғиндиси ҳисобланади.

4. Ижтимоий компетентлилик - сифати мавжуд шахслар бошқаларни қандай бўлса, шундайлигича қабул қилади; учрашувларга кечикмайди; тўғри хулоса ва қарорларга кела олади; атрофидагиларнинг хоҳиш ва эҳтиёжларини сеза билади; қизиқувчан.[1]

Юқоридагилардан лойиҳавий таълим воситасида бўлажак спорт мураббийлар коммуникатив қобилиятини миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида ривожлантириш омиллари шахсда ижтимоий онг, ижтимоий дунёқараш ва ижтимоий ахлоқни шакллантиришга асосланиши маълум бўлади.

Лойиҳавий таълим воситасида бўлажак спорт мураббийлар комму- никатив қобилиятини миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида ривожлантиришнинг методологик асослари (таълимга оид меъёрий ҳужжатлар, педагогик мерос, илмий- педагогик тадқиқотларда баён қилинган назарий-методик тавсиялар) ҳам ўзига хос аҳамиятга эга.[2] Мазкур методологик асосларга таянган ҳолда лойиҳавий таълим воситасида бўлажак спорт мураббийлар коммуникатив қобилиятини миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида ривожлантиришнинг мезонлари қуйидаги педагогик қонуниятларга асосланишни тақозо этади:

–ёш ва жисмоний хусусиятлар ҳамда имкониятларни ҳисобга олиш, мазкур муаммо юзасидан ишлаб чиқилган илмий тавсияларга таяниш;

–ижтимоий онг, ахлоқ ва хатти-ҳаракатлар, фазилятлар ҳамда фаоллик сифатларини педагогик талаблар ва мезонлар асосида шакллантириш;

–самарали метод, восита, шакл ва ёндашувларга асосланиш.[3]



Кайд этилган фикрлар асосида иш кўриш лойиҳавий таълим воситасида бўлажак спорт мураббийлар коммуникатив қобилиятини миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида ривожлантиришда илмий ва методик жиҳатдан қулайликни юзага келтиради.

–лоийҳавий таълим воситасида бўлажак спорт мураббийлар коммуникатив қобилиятини миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида ривожлантириш маънавий-ижтимоий муносабатлар жараёнида таркиб топиб, ижтимоий ҳаётга нисбатан ёндашувнинг мазмуни ва даражаси сифатида намоён бўлади;

–лоийҳавий таълим воситасида бўлажак спорт мураббийлар коммуникатив қобилиятини миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида ривожлантиришда маънавий-ахлоқий талаблар асосида ташкил этиладиган фаолият даражаси муҳим омил саналади;

–лоийҳавий таълим воситасида бўлажак спорт мураббийлар коммуникатив қобилиятини миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида ривожлантириш объектив ва субъектив шарт-шароитларга кўра ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёнида шаклланади;

–лоийҳавий таълим воситасида бўлажак спорт мураббийлар коммуникатив қобилиятини миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида ривожлантириш жамият таракқиётини таъминлашнинг муҳим шарти бўлиб, истиқболни олдиндан кўра олиш имконини беради.

Лойиҳавий таълим воситасида бўлажак спорт мураббийлар коммуникатив қобилиятини миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида ривожлантириш қуйидаги вазифаларни ҳал этишни назарда тутди:

–бўлажак ўқитувчининг фаоллигини қарор топтириш;

–бўлажак ўқитувчининг фаоллиги даражасини изчил суръатда ошириб боришга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш;

–давлатнинг ёшларга оид сиёсати мазмуни, моҳияти ва аҳамияти борасидаги маълумотлар билан таъминлаш;

–маънавий-ижтимоий мавзуларга доир амалий тадбирлар ўтказиб туриш ҳамда жараёнда талабалар жамоасининг ҳар бир аъзоси фаол иштирок этиши учун зарур шарт-шароит ва имкониятлар яратиш;

–миллий истиқлол мафқураси ғоялари асосида ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий йўналишлардаги фаолиятларини қўллаб-қувватлаш, мувофиқлаштириш ҳамда амалий ёрдам кўрсатиш.

Лойиҳавий таълим воситасида бўлажак спорт мураббийлар коммуникатив қобилиятини миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида ривожлантиришга маданий-инсонпарварлик ёндашуви ҳамда таълим-тарбиянинг миллий ва методологик асосларини таҳлил қилиш қуйидаги хулосаларга келиш имконини берди:

Лойиҳавий таълим воситасида бўлажак спорт мураббийлар коммуникатив қобилиятини миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида ривожлантириш



мазмунини ташкил этувчи қисм, табиат, жамият, фаолият усуллари, инсоннинг ўз атрофидагиларга, меҳнатга, мулоқот ва бошқа шу кабиларга ҳиссий-иродавий ҳамда кадрият нуқтаи назаридан муносабати ҳақидаги билимлар манбаи тарзида намоён бўлади.

Улкан ҳажмдаги тарихий ва маданий меросимизнинг баъзи намуналарини ажратиб кўрсатишга интилмаган ҳолда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Марказий Осиё халқларининг қадимий муқаддас китоби “Авесто”, халқ достонлари, Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбанднинг диний-маънавий мероси, Амир Темурнинг ахлоқий ўғитлари ижтимоий-маданий манбалар сифатида муҳим аҳамиятга эгадир.

Коммуникатив маданият, аввало, жамият ҳаётини инсонпарварлаштириш, анъаналарни тиклаш, умуминсоний кадриятлар ва юксак маънавий-эстетик идеалларга интилишни кучайтириш, ижодий фикр эркинлигини таъминлашга қаратилгандир.

Педагогика фани ва амалиётининг таълим-тарбия соҳасидаги замонавий йўналишларга мос келувчи қуйидаги бир қатор назарияларни ҳам алоҳида тизимлаштириш мумкин:

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдураззаков А. А. Национальные духовные ценности и их место в самосознании нации. Автореф. дис. канд. филос. наук. – Т., 1995. – 24 с.

2. Азизхўжаева Н. Н. Ўқитувчи тайёрлашнинг педагогик технологияси. – Т. ТДПУ, 2000. – 52 б.

3. Зокиров И.И. Таълим жараёнига янги педагогик технологияларни татбиқ этишнинг назарий-амалий асослари. Пед. фан. номз. дисс. – Т., 2005. – 126 б.

4. Ибрагимов Х.И. Автогенная тренировка как средство самовоспитания. – М. Педагогический вестник, 1996. – 115 с.

5. Искандаров Б. Ўрта Осиёда фалсафий ва ижтимоий-сиёсий фикрнинг шаклланиши ва ривожланиши тарихидан лавҳалар. – Т.: Ўзбекистон, 1993. – 109 б.